

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

МАМАТҚОСИМОВ ЖАҲОНГИР АБИРҚУЛОВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСГА ОИД БИЛИМ
ВА КЎНИКМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович

Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни
такомиллаштириш 3

Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович

Совершенствование знаний и умений у учащихся по нематериальному
культурному наследию 21

Mamatkosimov Jakhongir Abirkulovich

Improving the knowledge and skills of pupils on intangible cultural heritage.. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

МАМАТҚОСИМОВ ЖАҲОНГИР АБИРҚУЛОВИЧ

**Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим
ва кўникмаларни такомиллаштириш**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped1161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (espi.uz/ilmiy-kengash) ҳамда «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Сайфуллаев Бахтиёр
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped 82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 23 » 12 соат 1100 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri_kengash@umail.uz

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (23 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.


Диссертация автореферати 2020 йил « 10 » 12 куни тарқатилди.

(2020 йил « 10 » 12 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



Ш.С. Мирдонов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

С.А. Ражабов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котлови география фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)


Р.А. Эшчанов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон маданий-тарихий меросини кейинги авлодлар учун асраб қолиш барқарор тараққий этишни таъминлашга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Жаҳон мероси рўйхатига киритилган маданий мерос объектларини муҳофаза этишда моддий ва номоддий бойликларни асраш, маданий туризмни ривожлантириш, мамлакатларнинг номоддий маданий меросини идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, инвентаризация қилиш, муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий имкониятларини мустаҳкамлаш, минтақа мамлакатлари ўртасида (икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда) топилган номоддий маданий мерос борасида тажриба, маълумот алмашиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида минтақавий, субминтақавий ва миллий даражада номоддий маданий меросни муҳофаза қилишда фаол бўлган амалиётчилар, жамоалар, экспертлар, илмий-тадқиқот институтлари, музейлар, архивлар, муассасалар ўртасида алоқаларни ўрнатиш, номоддий маданий меросни маҳаллий, миллий, субминтақавий ва минтақавий даражада тушуниш, хабардорликни ошириш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича сиёсат, қонунчилик, маъмурий чораларни кўриш, тадқиқотларни бошлаш ва мувофиқлаштириш, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш, жамоат ташкилотлари ва индивидуал экспертларни рўйхатдан ўтказувчи, автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва янгилаб туриш заруриятини изоҳлайди.

Республикада номоддий маданий мерос йўналишлари бўйича грантлар ажратилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, тадқиқот ишларига ёш олимларни жалб этиш учун имкониятлар яратиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларида “номоддий маданий мерос элементларини тўплаш, ҳужжатлаштириш ва муҳофаза қилиш, уларнинг сақловчиларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид хорижий давлатлардаги номоддий маданий мерос элементларини ёзиб олиш ва сақлашга кўмаклашиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда аждодлар томонидан тўпланган тарихий ва маданий тажриба жамият аъзоларининг индивидуал ва умумий ривожланиши учун зарурий шарт эканлигини жамоатчилик онгига сингдириш, бу борада жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПҚ-4038-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2018 й., 07/18/4038/2243-сон.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сон, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонлик олимлардан номоддий маданий мерос йўналишлари билан, яъни *ўзликни намоён этишининг оғзаки анъаналари ва шакллари йўналиши* бўйича Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева, И.Т.Ёрматов, М.Жўраев, К.Н.Қодиров, Б.М.Суванкулов, З.И.Усмонова, З.Холманова, *ижро санъати йўналиши* бўйича Н.К.Касимов, Р.Х.Носиров, Ш.Галиев, С.Х.Оллаберганова, О.Иброҳимов, Қ.Б.Панжиев, М.Х.Қодиров, У.Х.Қорабоев, Б.А.Шодиев, И.Р.Абдурахманов, *жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлар йўналиши* бўйича Ғ.Соатов, О.О.Исмонова, М.С.Пирматова, М.Саттаров, *табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар йиғиндиси йўналиши* бўйича И.Жаббаров, К.Маҳмудов, М.Б.Қурбонов, *анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар йўналиши* бўйича О.А.Хўжаниёзова, С.Ш.Алиева, К.Б.Оқилова, Қ.Ж.Жумаев кабилар тадқиқотлар олиб боришган.

Узлуксиз таълим жараёнида номоддий маданий меросга оид муаммолар юзасидан ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, мактабгача таълим тизимида Г.О.Комилова, Г.Жалолова, умумий ўрта таълим тизимида М.Қуронов, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, Д.У.Жуманазарова А.Ю.Тешабоев, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Ш.С.Шарипов, Г.Ибрагимова, С.С.Булатов, Ф.Э.Аҳмедов, Ж.Душамов, олий таълим тизимида Д.И.Рўзиева, Н.Эгамбердиева, М.Маҳмудова, Б.Сайфуллаев, С.Н.Йўлдошева, Ў.Ғ.Тошматов, Н.Ж.Исакулова, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида Ғ.И.Мухаммедов, Х.А.Тўракулов, Б.Ю.Ходиев, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида Ш.Қ.Марданов, К.З.Зарипов, Ш.Саидкулов, мактабдан ташқари таълим тизимида Қ.Қ.Қуронбоев, Ш.Мустафаев кабилар тадқиқотлар олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.О.Мармилова, В.И.Солодухин, Г.К.Шалабаева, О.В.Галкова, Е.Ю.Болотова, О.Н.Савицкая ўз илмий ишларида номоддий маданий мероснинг

хусусиятлари, уни сақлаш ва муҳофаза этишнинг замонавий усулларини тадқиқ этишган.

Европалик олимлардан G.Lloyd, Ch.M.Wong, B.Rudolff, M.R.Davey, S.Titchen, O.V.Beazley, R.E.Butland, G.Keller номоддий маданий мероснинг тарихи, уни сақлаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганишган.

Ҳозирги даврда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларни таълим-тарбия амалиётига жорий этиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ЁА1-003. “Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш” (2014-2015 йй.) мавзусидаги ёш олимларнинг амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш ва тарихий даврлаштириш;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг концептуал-методологик функцияларини ўрганиш;

ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ҳамда муаллифлик концепцияси асосида телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлар тайёрлаш;

номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг дидактик ва методик таъминотини интерактив медиа технологиялар орқали такомиллаштириш ҳамда педагогик тажриба-синовларни ташкил этиш, ўтказиш ва амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Андижон, Бухоро, Гулистон, Навоий, Наманган, Тошкент маданият ва санъат коллежларининг 3818 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш),

диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик статистика методлари (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ретроспектив ёндашув бўйича номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар тарихий ва маданий тажрибалар асосида тарихий, ҳуқуқий, илмий, бадий хусусиятлари даврлаштирилган;

номоддий маданий мерос йўналишлари(ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар)нинг концептуал-методологик функциялари синергетик ёндашув бўйича исботланган;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш модели мақсадли, мазмунга оид, операционал ва баҳолаш блокларини интегратив тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг дидактик ва методик таъминоти интерактив медиа технологиялари орқали такомиллашган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар мазмунидаги дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг дидактик ва методик таъминоти ишлаб чиқилган;

“Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантиришга оид билим ва кўникмалар” мультимедиа дастури яратилган;

номоддий маданий мерос мазмунидаги байрам ва томошалар, телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлар муаллифлик концепцияси асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тарихий ва маданий тажрибалар асосида даврлаштирилган тарихий, илмий, бадий, ҳуқуқий хусусиятлари, номоддий маданий мерос йўналишлари(ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар)нинг концептуал-методологик функциялари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар мазмунидаги дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг ишлаб чиқилган дидактик ва методик таъминотидан, “Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантиришга оид билим ва кўникмалар” мультимедиа дастуридан ҳамда муаллифлик концепцияси асосида ишлаб чиқилган байрам ва томошалар, телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлардан маданият ва санъат коллежлари учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ретроспектив ёндашув бўйича номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар тарихий ва маданий тажрибалар асосида даврлаштирилган тарихий, ҳуқуқий, илмий, бадиий хусусиятларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарорининг “Моддий ва номоддий маданий мерос ҳамда музейлар соҳаси” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 01-12-14-5728-сон маълумотномаси). Натижада, номоддий маданий мерос йўналишлари(ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар)ни даврлаштиришга хизмат қилган;

синергетик ёндашув бўйича номоддий маданий мерос йўналишлари(ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар)нинг аниқланган концептуал-методологик функцияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сон қарори иловасининг 21-, 25-, 27-, 28-бандлари мазмунига сингдирилган (Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказининг 2019 йил 18 ноябрдаги 01-02-191-сон маълумотномаси). Натижада, маданият ва санъат коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

мақсадли, мазмунга оид, операциял ва баҳолаш блокларини интегратив тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш моделидан 3150301 – Актёрлик санъати (драма театр актёри) ҳамда 3151604 – Оммавий байрамлар ва театрлаштирилган томошалар режиссёри ихтисосликлари Давлат таълим стандартини ишлаб

чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги 89-03-4461-сон маълумотномаси). Натижада, маданият ва санъат коллежларининг “Оммавий байрамлар ва театрлаштирилган томошалар режиссураси ва актёрлик маҳорати” ва “Актёрлик маҳорати” каби махсус фанлар мазмунига сингдирилган;

номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмалар бўйича интерактив медиа технологиялари орқали такомиллашган дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг дидактик ва методик таъминотидан А-1-011 “Номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларини таълим тизимига тадбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги 89-03-4462-сон маълумотномаси). Натижада, “Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантиришга оид билим ва кўникмалар” мультимедиа дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси олинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 12 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан бирга диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида номоддий маданий мерос (НММ)га оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг тарихий, ҳуқуқий асослари ҳамда ҳолати таҳлил қилинган.

“Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади¹.

Ретроспектив ёндашув бўйича НММга оид билим ва кўникмалар тарихий ва маданий тажрибалар асосида тарихий, ҳуқуқий, илмий, бадий хусусиятлари даврлаштиришни тақозо этади. У.Қорабоев, Б.Шодиев тадқиқотларига² асосланиб, НММ йўналишлари қуйидагича даврлаштирилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Ретроспектив ёндашув бўйича НММга оид билим ва кўникмалар

№	Тарихий даврлар	НММни даврлаштириш
1.	ибтидоий даврдан – эрамиздан аввалги VIII – VII асрларгача	НММнинг ибтидоий ёки шаклланиш даври
2.	эрамиздан аввалги VIII – VII асрлардан милодий VIII асргача	НММнинг Зардуштийлик дини даврида шаклланиши ва тараққий топиши даври
3.	VIII – XIII асрлар	НММнинг Ўрта асрларда тараққий этиш даври
4.	XIV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошлари	Темурийлар даври ижтимоий-маданий ҳаётида НММ ва унинг тараққий этиш омиллари даври
5.	XVI аср ўргалари – XIX аср охирлари	НММнинг хонликлар давридаги ижтимоий-маданий ҳолати даври
6.	XIX аср охирларидан – XX аср охирларигача	НММ мустамлака ва шўролар тузуми шароитида даври
7.	XX аср охирларидан ҳозирги кунгача	Мустақиллик даврида НММ муҳофазаси ва барқарорлик даври

Ҳар битта халқнинг номоддий маданий мероси шу халқнинг ўзлигини ифодалайди ва у албатта ҳурмат қилиниши керак. Номоддий маданий мероснинг муҳофаза қилиниши, сақланиши ва келгуси авлодларга етказилиши барқарор тараққиётга ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки бирор халқнинг номоддий маданий меросида барқарор тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омил йўқ ва бу мерос тўлалигича барқарор тараққиётга хизмат қилади³.

НММнинг ҳуқуқий асослари ва муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларидан, Ўзбекистон

¹ Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция. 2-модда. – Париж. 2003.

² Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 240 б.; Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. – 128 б.

³ Toshmatov O‘G‘., Isakulova N.J. Nomoddiy madaniy merosni muhofaza qilishning huquqiy asoslari. – Toshkent: Fan, 2014. – B. 11.

Республикаси Президенти фармонлари (ПФ) ва қарорларидан (ПҚ), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан (ВМҚ) иборат бўлиб, уларда маънавий ва моддий бойликларни асраб-авайлаш, уларни тараққий эттириш чора-тадбирлари ифодаланган. Шунингдек, НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришда ҳуқуқий асос сифатида 2000-2020 йилларда қабул қилинган жами ПФ – 8 та, ПҚ – 65 та, ВМҚ – 41 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат қилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

2000-2020 йилларда қабул қилинган НММ мазмунига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миқдори

Йиллар	Миқдори			Йиллар	Миқдори		
	ПФ	ПҚ	ВМҚ		ПФ	ПҚ	ВМҚ
2000 йил	-	2	1	2011 йил	-	2	-
2001 йил	1	2	-	2012 йил	-	3	1
2002 йил	1	2	-	2013 йил	-	2	1
2003 йил	-	2	-	2014 йил	-	3	2
2004 йил	-	2	-	2015 йил	-	3	1
2005 йил	-	2	-	2016 йил	-	2	1
2006 йил	-	2	-	2017 йил	3	12	4
2007 йил	-	2	-	2018 йил	-	7	10
2008 йил	-	2	-	2019 йил	1	3	19
2009 йил	-	3	-	2020 йил	1	5	1
2010 йил	1	2	-	жами	8	65	41

Ўқувчиларида НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари: НММ йўналишлари бўйича (тарих, филология, санъатшунослик фанлари ихтисослиги кесимида); узлуксиз таълим жараёнида (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим) НММнинг тарихий, ҳуқуқий асослари, НММнинг ижтимоий-педагогик, маънавий-маданий аҳамияти, НММ муҳофазаси, барқарорлиги ҳамда НММ мазмуни, тур ва жанрлари таҳлил этилган. НММ тур ва жанрларининг амалдаги рўйхатига тадқиқот жараёнида аниқланган НММнинг бир қанча тур ва жанрларини киритиш юзасидан тавсиялар берилган. НММни муҳофаза қилиш, уни сақлаш, келажак авлодга етказишда хориж тажрибалари ўрганилган. Ўрганилган тадқиқот ишларида НММнинг тур ва жанрларининг тарбиявий аҳамияти, спецификаси ва НММга оид тушунчаларга қисқача изоҳлар берилган, лекин ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш методикаси шу кунгача ишлаб чиқилмаган ва таҳлил этилмаган.

2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурининг V бўлими – “Номоддий маданий меросни сақлаш ва унинг муҳофазасини ташкил этиш бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари” масалаларига бағишланган.

Диссертациянинг «Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари» деб номланган иккинчи бобда дарс жараёнида ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг концептуал-методологик функциялари, дарсдан ташқари машғулотларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг амалий чора-тадбирлари ҳамда ўқувчиларни НММ муҳофазаси орқали касбга йўналтириш методикаси ёритилган.

Номоддий маданий мерос йўналишлари (ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот ҳамда анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар)нинг концептуал-методологик функциялари синергетик ёндашув бўйича исботланган. Натижада НММнинг муҳофазасини таъминлаш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш борасида уни таълим-тарбия жараёнига тарғиб қилиш, касб-хунар коллежлари (КХК) ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиш натижалари асосида НММ муҳофазасини интерпретация қилиш, ўқитувчининг касбий компетенцияси ва креативлиги, НММни таълим тизимига тадбиқ этиш ва таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш каби функциялари ўрганилган.

НММни таълим тизимига тадбиқ этишда дарс жараёнида НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш, ижодий устахоналар ва педагогик амалиётда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш, дарсдан ташқари машғулотларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш вазифалари: ўқувчилар орасида НММ тарғиб қилиш; иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда НММ муҳофазасига йўналтириш; НММ мазмунида мустақил ишларни режалаштириш; НММ тарғиботида замонавий методларни танлаш ва амалда қўллаш; оммавий ахборот воситаларида ёритилган НММга оид материалларни мустақил ўрганиш ва таҳлил этиш; мавзуга оид манбалар ва ўқув адабиётларини мустақил ўрганиш; ўқувчиларни НММ мавзусидаги конференцияларда иштирок этишга тайёрлаш; мавзуга оид ташкил этилган кўрик-танловларда иштирок этиш; мавзуга оид амалий топшириқлар ва курс ишларини мустақил бажариш; ўқувчиларни НММга оид амалий ишларга ўргатиш каби белгиланган.

НММ мазмунидаги мустақил ишларни ташкил этиш икки жараёнда: назарий ва ижодий жараёнларда амалга оширилган бўлиб, бунда назарий жараён ўқувчининг НММга оид назарий билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилса (илмий-амалий конференция, викторина, буклет, реферат, кроссворд, карточка), ижодий жараён бевосита ўқувчининг НММга оид бадиий ва ижодий кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилган (мушоира, тадбирларда иштирок этиш, танловларда иштирок этиш, сценарий ёзиш, инсценировка тайёрлаш, альбом, аудио ва видео лавҳалар тайёрлаш).

НММ мазмунидаги интеллектуал ўйинлар (“Кроссворд”, “Заковат”, “Аввал ўйла..”, “Эртақлар яхшиликка етаклар”, “Ҳикматлар хазинаси”, “Ҳунар – ҳунардан унар”)ни ташкил этиш ва ўтказишда дарсдан ташқари таълим жараёнига эътибор қаратиш ва бу орқали нафақат ўқувчиларнинг интеллектуал билимини ошириш, ўйинлардаги савол-жавоблар, уларда иштирок этиш учун тайёргарлик, мустақил изланиш натижасида ўқувчиларни касбга йўналтириш мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

КХК ўқувчиларида НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш модели мақсадли, мазмунга оид, операционал ва баҳолаш блокларини интегратив тизимлаштириш асосида ишлаб чиқишни тақозо этди. Моделда интеграция объектлари (модел блоклари) мос келиши, етарли даражада яқин бўлиши, интеграциялашган ўқув предметлари бир хил ёки ўхшаш тадқиқот усулларида фойдаланиши, интеграциялашган ўқув предметлари умумий қоидалар, умумий назарий тушунчалар асосида интегратив тизимлаштириш назарда тутилган (1-расмга қаранг).

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш**» деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш босқичлари ва натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда Бухоро маданият коллежи, Гулистон санъат коллежи ва Наманган санъат коллежида ташкил этилган. Педагогик тажриба-синов жараёнида олинган натижалар Андижон санъат коллежи, Навоий маданият ва санъат коллежи ҳамда Тошкент маданият коллежида оммалаштирилган.

Педагогик тажриба-синовнинг *ташхис ва башорат қилиш* босқичида тажриба-синов мақсади, вазифалари аниқланди ҳамда тажриба-синов дастурлари ишлаб чиқилди; *ташкилий-тайёргарлик* босқичида тажриба-синов майдончалари ва иштирокчилари, педагогик жараён тавсифи белгиланди, ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш мазмунида КХК раҳбарияти, педагоглар жамоаси билан суҳбатлар ўтказилди, ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари таҳлили асосида педагогик тажриба-синов жараёнининг методик ҳамда ташкилий таъминоти ишлаб чиқилди; педагогик тажриба-синовнинг *амалий* босқичи НММни таъкидловчи, НММни шакллантирувчи ҳамда НММни назорат қилувчи бўлиб, гуруҳларда параллел ва аралаш олиб борилди; *умумлаштирувчи* босқичда эса тажриба-синовни натижалаш алгоритми ишлаб чиқилди, маданият ва санъат коллежлари (МСК) амалиётига жорий қилинди.

Интерактив медиа технологиялари орқали такомиллашган НММга оид билим ва кўникмалар бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг дидактик ва методик таъминоти педагогик тажриба-синов жараёнида синовдан ўтказилди. Педагогик тажриба-синов ва оммалаштириш жараёнида умумий 3818 нафар ўқувчи иштирок этган. Педагогик тажриба-синов ишида ўқувчилар учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (3-жадвалга қаранг).

Ижтимоий буюртма: ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш

Тадқиқотнинг мақсади: КХК ўқувчиларида НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Мақсадга қаратилганлик блоки

Мақсад	Вазифалар	Тамойиллар	Ёндашувлар
ўқувчиларнинг НММга оид билим ва кўникмаларини такомиллаштириш (ЎНММОБКТ)	ЎНММОБКТнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш	ривожлантирувчи, таълим, индивидуаллаштириш, табақалаштириш	тизимли, компетентли, фаолиятли, диалогик, маданий ёндашув

Мазмунга оид блок

1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич
Ташкилий ишлар босқичи	Таҳлил ва ташхислаш босқичи	Амалга ошириш босқичи	Умумлаштириш ва оммалаштириш босқичи

Операционал блок

Ўқитиш дастурлари	Шакллари	Методлари	Воситалари
Муаммоли, дастурий, лойиҳали	Иллюстратив ва тушунтириш, муаммоли, дастурланган, ностандарт дарслар	Таълимнинг оғзаки, кўргазмали, амалий, муаммоли изланиш, мустакил ишлар, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари	Матнли, тасвирли, аудио-визуал, ёрдамчи, модели воситалар

НММ йўналишлари

Ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари	Ижрочилик санъати	Урф-одат, маросим ва байрамлар	Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар	Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар
---	-------------------	--------------------------------	---	---

НММга оид билим ва кўникмалар

ЎНММОБКТ-нинг тарихий асослари	ЎНММОБКТ-нинг ҳуқуқий асослари	ЎНММОБКТ ҳолати	дарс жараёнида ЎНММОБКТнинг концептуал-методологик функциялари	дардан ташқари машғулотларда ЎНММОБКТнинг амалий чора-тадбирлари	ўқувчиларни НММ муҳофазаси орқали касбга йўналтириш методикаси
--------------------------------	--------------------------------	-----------------	--	--	--

Натижадорликни баҳолаш блоки

педагогик тажриба-синов жараёни		
юқори	ўрта	паст
НММнинг назарий ва амалий аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил этган	НММнинг назарий ва амалий аҳамиятини тушунган	НММнинг назарий ва амалий аҳамиятини тор маънода тушунган

Натижа: ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмалар такомиллашади

1-расм. Ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш модели

НММ муҳофазаси юзасидан баҳолаш мезонлари

Баҳолаш мезонлари	«Аъло» баҳо	«Яхши» баҳо	«Қониқарли» баҳо	«Қониқарсиз» баҳо
НММ мазмунидаги назарий машғулотларда баҳолаш	Савол мазмунини тўғри тушуниб, илмий хатоликларга йўл қўймай, тўлақонли жавоб бериш назарда тутилади	НММ мазмунидаги топшириқларни баъзи камчиликлар билан бажариш ҳисобга олинади	Жавобларда ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, баъзи гапларда мантикий чалкашликлар қайд этилган бўлса, НММ эътибордан четда қолган ҳолларда қўйилади	Жавобларда ноаниқлик, мантикий чалкашликлар қайд этилиб, хатолар кўп бўлиб, НММ тушунчаси бўлмаганда қўйилади
НММ мазмунидаги амалий ишларининг бажарилишини баҳолаш	Амалий иш шартини тўғри тушунган ҳолда машғулотни тўғри бажариш ҳамда НММ юзасидан фикрлаш ҳисобга олинади	Амалий иш шартини тўғри тушунган ҳолда, машғулотни тўғри бажариш ҳамда НММ юзасидан фикрлаш асосида айрим камчиликлар мавжудлиги назарда тутилади	НММ мазмунидаги амалий машғулотни қийинчилик билан бажарилиши ҳисобга олинади	Амалий ишлар бажарилмаган, НММ юзасидан ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаслиги назарда тутилади
Тест саволларига олинган жавобларни баҳолаш	Тест саволларининг барчасига тўғри жавоб ёзилгани ҳисобга олинади	Тест саволларининг 10 тадан 8 тасига тўғри жавоблар ёзилганлиги назарда тутилади	Тест саволларининг 10 тадан 6 тасига тўғри жавоблар ёзилганлиги инобатга олинади	Тест саволларининг 10 тадан 5 тагача тўғри жавоблар ёзилгани ҳисобга олинади
НММ мазмунидаги мустақил ишларининг бажарилишини баҳолаш	Мустақил ишни тўғри, аниқ бажариш ҳамда мантикий, изчиллик ҳисобга олинади	Мустақил ишни тўғри бажарган ҳолда айрим камчиликлар назарда тутилади	Мустақил иш бажарилишида айрим ноаниқликларга йўл қўйилиб, НММ юзасидан нотўғри бажариш ҳисобга олинади	Мустақил иш бажарилишида ноаниқликлар, НММ юзасидан таҳлил қила олмаслиги назарда тутилади
Умумийси	НММ мазмунида назарий, амалий, мустақил иш ва тестларнинг хатосиз бажарилишига қўйилади	Назарий, амалий, мустақил иш ва тестларнинг баъзи камчиликлар билан бажарилиши ҳисобга олинади	Назарий, амалий, мустақил иш ва тестларни чалкашликлар билан жавоб бериши эвазига қўйилади	Назарий, амалий, мустақил иш ва тестлар тўғри бажарилмаганлигига қўйилади

Демак, «Аъло», «Яхши», «Қониқарли» ва «Қониқарсиз» баҳолар ўқувчиларда НММнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни аниқлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Тажриба-синовда олинган натижаларни ишлаб чиқишда тажриба ва синов (назорат) гуруҳларидаги ўқувчиларнинг назорат турлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларининг тасодифий ёки тасодифий эмаслигини аниқлаш лозим. Аниқланган фарқнинг ишонарли эканлигини текшириш учун χ^2 (хи-квадрат) услубидан яъни

$$T_{кузатув} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$$

формуласидан фойдаланилди. Бунда T статистик қиймат, n_1 ва n_2 тажриба натижаларида иштирок этган гуруҳлардаги ўқувчилар сони бўлиб, n_1 – назорат гуруҳи, n_2 – тажриба гуруҳи ўқувчилари сони, O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳи ўқувчиларида баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳолар сони. Педагогик тадқиқотларда гипотеза сифатида назорат гуруҳида олиб борилган анъанавий методика асосида олинган натижалар тажриба гуруҳида олиб борилган яратилган услубий таъминот ва такомиллаштирилган методик материаллар асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

Юқоридаги жадваллар асосида дастлабки, яъни тажриба бошидаги 2014-2015 ўқув йилидаги назарий топшириқларнинг баҳоланиш натижаларининг статистик таҳлили 4-жадвалда келтирилган (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал

Назарий топшириқларнинг баҳоланиши натижаларининг статистик таҳлили

Гуруҳлар	«Аъло»	«Яхши»	«Қониқарли»	«Қониқарсиз»	
Тажриба	$O_{11}=23$	$O_{12}=54$	$O_{13}=143$	$O_{14}=40$	$n_1=260$
Назорат	$O_{21}=24$	$O_{22}=48$	$O_{23}=119$	$O_{24}=41$	$n_2=232$
	$O_{11}+O_{21}=47$	$O_{12}+O_{22}=102$	$O_{13}+O_{23}=262$	$O_{14}+O_{24}=81$	$n_1+n_2=348$

Тажриба охирида олинган статистик натижалар 5-жадвалда қайд этилган (5-жадвалга қаранг):


5-жадвал

Тажриба-синов гуруҳларининг самарадорлик кўрсаткичлари


Ўқув йиллари кесимида баҳолаш мезонлари	Гуруҳлар	Статистик формулалар натижалари				Тажриба-синов натижаси ва критерия хулосаси
		χ^2	Критик қиймат	Ўртача баҳо	Самарадорлик	
2014-2015 ўқув йили						
Назарий машғулотлар	Тажриба	22,69	7.81	3,70	1,10	$T_{кузатув} < T_{кр}$ бажарилмаганлиги учун H_0 гипотеза қабул қилинади
	Назорат			3,35		
Амалий ишлар	Тажриба	20,59	7.81	3,68	1,10	
	Назорат			3,34		
Тест саволлари	Тажриба	22,00	7.81	3,70	1,10	
	Назорат			3,35		
Мустақил	Тажриба	22,68	7.81	3,72	1,10	

ишлар	Назорат			3,37		
Жами	Тажриба	21,92	7.81	3,70	1,10	
	Назорат			3,35		
2015-2016 ўқув йили						
Назарий машғулотлар	Тажриба	38,84	7.81	3,79	1,13	$T_{кузатув} < T_{кр}$ бажарилмаганлиги учун H_0 гипотеза қабул қилинади
	Назорат			3,35		
Амалий ишлар	Тажриба	38,86	7.81	3,82	1,13	
	Назорат			3,37		
Тест саволлари	Тажриба	39,31	7.81	3,84	1,13	
	Назорат			3,40		
Мустақил ишлар	Тажриба	35,61	7.81	3,82	1,12	
	Назорат			3,40		
Жами	Тажриба	38,04	7.81	3,82	1,13	
	Назорат			3,38		
2016-2017 ўқув йили						
Назарий машғулотлар	Тажриба	52,65	7.81	3,86	1,15	$T_{кузатув} < T_{кр}$ бажарилмаганлиги учун H_0 гипотеза қабул қилинади
	Назорат			3,36		
Амалий ишлар	Тажриба	50,46	7.81	3,86	1,14	
	Назорат			3,37		
Тест саволлари	Тажриба	51,23	7.81	3,88	1,14	
	Назорат			3,39		
Мустақил ишлар	Тажриба	49,20	7.81	3,89	1,14	
	Назорат			3,41		
Жами	Тажриба	50,77	7.81	3,87	1,14	
	Назорат			3,38		


Тажриба охиридаги оммалаштириш учун олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаси эса ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 2017-2018 ўқув йилларида 4.30 балга ёки 86 % лик ўзлаштириш кўрсаткичига, 2018-2019 ўқув йилларида эса 4.47 балга ёки 89 % лик ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлишди. 3-5-расмларда тажриба-синов ва оммалаштириш жараёнининг ўзлаштириш ва самарадорлик кўрсаткичлари қайд этилган (2-4-расмларга қаранг):



2-расм. Тажриба-синов жараёни ўзлаштириш кўрсаткичлари (% ҳисобида)



3-расм. Тажриба-синов жараёни самарадорлик кўрсаткичлари



4-расм. Оммалаштириш жараёнидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қиймати назорат гуруҳига нисбатан 14 % га юқори эканлиги маълум бўлди. Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги исботланди.

ХУЛОСА

Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш юзасидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили кўрсатишича, НММ муҳофазаси ва барқарорлиги таъминланиши аниқ, табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўрганиб чиқилиши мумкинлиги фан ва тажриба ёрдамида исботланди.

2. Дарс жараёнида ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг концептуал-методологик функциялари: билимлар сифатини ошириш, ўқитувчининг педагогик маҳоратини НММ мазмунига йўналтириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда НММга оид билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, НММ мазмунидаги мустақил ишларни бажариш, НММ муҳофазаси орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш яхлит тизим орқали ижобий ҳал этилиши аниқланди.

3. Ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситаларини аниқлаш, уларни ташкил этиш ечимларини таҳлил қилиш, ноанъанавий методларни асослаш, синаш ва жорий этиш, педагогик шарт-шароитларни аниқлаш билан боғлиқ жараёнлар тизимини ташкил этишни тақозо қилади. Бу жараён дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда НММ мазмунидаги дарс методикасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир синов машғулоти билан боғлиқ ишчи фаразларнинг инобатга олиниши натижасида НММ муҳофазасини таъминловчи ноанъанавий методлар тавсия этилди.

4. Дарс жараёнида ўқувчиларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг концептуал-методологик функциялари, дарсдан ташқари машғулотларда НММга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг амалий чора-тадбирлари ҳамда ўқувчиларни НММ муҳофазаси орқали касбга йўналтириш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Педагогик тажриба-синов натижалари ўқувчиларнинг билим сифати кўрсаткичларининг ортишини ва тавсия этилаётган ўқитиш методикасининг самарали эканлигини тажриба-синов майдончаларида тасдиқлади.

6. Илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий-методик тавсиялар, дарс ишланмалари, маъруза матнлари, мавзуларнинг технологик харитаси ва услубий қўлланмалардан тегишли таълим муассасалари амалиётида фойдаланиш мақбуллиги аниқланди.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, ўқувчиларнинг НММга оид билим ва кўникмаларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

ўқув фанлари дастури, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари ва дарс ишланмаларини НММ муҳофазаси мазмунида бойитишга эътиборни қаратиш;

НММ муҳофазаси орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, дарсдан ташқари машғулотларда НММ тур ва жанрларидан фойдаланиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёни ўқув дастурларини хорижий тажрибалар асосида НММ муҳофазасига йўналтириш;

НММ мазмуни ва муҳофазасидаги аудио ва видео тасмалар ҳамда электрон дарсликлар, вебсайтлар яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ
УЗБЕКИСТАНА**

МАМАТКАСИМОВ ЖАХАНГИР АБИРКУЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗНАНИЙ И УМЕНИЙ У УЧАЩИХСЯ ПО
НЕМАТЕРИАЛЬНОМУ КУЛЬТУРНОМУ НАСЛЕДИЮ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Ped1161.

Диссертация выполнена в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (cspi.uz/ilmiy-kengash) и информационном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Исакулова Нилуфар Жакикуловна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Нурманов Абдизазар Ташбаевич
доктор педагогических наук, доцент
Сайфуллаев Бахтиёр
кандидат педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «23» 12 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.Ped.28.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом № 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована за номером 23). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом № 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «10» 12 2020 года.

(протокол реестра № 23 от «10» 12 2020 года).



Ш.К.Мардонов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Ф.Т.Ражабов
участник секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по географическим наукам

Р.А.Эшчанов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сохранение мирового культурно-исторического наследия для последующих поколений еще больше укрепило потребность в обеспечении устойчивого развития. В охране объектов культурного наследия, включенных в список мирового наследия, важное значение приобретают сохранение материальных и нематериальных ценностей, развитие культурного туризма, укрепление национальных возможностей в сфере идентификации, документирования, инвентаризации, охраны нематериального культурного наследия стран, проведение научных исследований в области обмена опытом и данными по нематериальному культурному наследию, найденных среди стран (в двух или более странах) региона.

В мировой практике отдельное значение имеют исследования по установлению связей между практиками, коллективами, экспертами, научно-исследовательскими институтами, музеями, архивами, организациями, активными в сохранении нематериального культурного наследия на региональном, субрегиональном и национальном уровнях, пониманию и повышению осведомленности об нематериального культурного наследия на местном, национальном, региональном, субрегиональном уровнях. В этом аспекте поясняет необходимость принятия политических, законодательных, административных мер по защите нематериального культурного наследия, начала и координации исследований, организации долгосрочных и краткосрочных учебных курсов, создания и обновления автоматизированной информационной системы, регистрирующей общественные организации и индивидуальных экспертов.

В республике особое значение имеют обеспечение выделения грантов по направлениям нематериального культурного наследия, укрепление научно-исследовательских работ, создание возможностей для привлечения молодых ученых в исследовательскую деятельность. В основных направлениях дальнейшего развития национальной культуры в Узбекистане определены такие важные задачи, как «сбор, документирование и сохранение элементов нематериального культурного наследия, совершенствование системы поддержки их хранителей, оказание помощи в записи и сохранении элементов нематериального культурного наследия в зарубежных странах, касающихся истории и культуры Узбекистана»¹. В этом важное значение приобретают внедрение в сознание общественности то, что накопленный предками исторический и культурный опыт являются необходимым условием для индивидуального и общего развития членов общества, поддержка в этом инициатив общественности, совершенствование знаний и умений учащихся профессиональных колледжей по нематериальному культурному наследию.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года № ПП-4038. Национальная база данных законодательства, 30.11.2018 г., № 07/18/4038/2243.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947; постановлениях главы государства «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования» от 14 марта 2017 года № ПП-2829; «Об утверждении Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года № ПП-4038; постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении Государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010–2020 годы» от 7 октября 2010 года № 222, а также других нормативно-правовых документов, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Из отечественных ученых по направлениям нематериального культурного наследия, в частности, *по направлению устных традиций и форм самовыражения* проводили исследования Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ураева, И.Т.Ёрматов, М.Жураев, К.Н.Кодиров, Б.М.Суванкулов, З.И.Усмонова, З.Холманова, *по направлению исполнительского искусства* – Н.К.Касимов, Р.Х.Носиров, Ш.Галиев, С.Х.Оллаберганова, О.Ибрахимов, К.Б.Панжиев, М.Х.Кодиров, У.Х.Корабоев, Б.А.Шодиев, И.Р.Абдурахманов, *по направлению обычаев, обрядов, празднеств общества* – Г.Соатов, О.О.Исмонова, М.С.Пирматова, М.Саттаров, *по направлению совокупности знаний и обычаев, относящихся к природе и вселенной* – И.Жаббаров, К.Махмудов, М.Б.Курбонов, *по направлению знаний и навыков, связанных с традиционными ремеслами* – О.А.Хужаниёзова, С.Ш.Алиева, К.Б.Окилова, К.Ж.Жумаев.

Ряд исследований проводились также по проблемам нематериального культурного наследия в процессе непрерывного образования. В том числе, исследования проводили в системе дошкольного образования Г.О.Комилова, Г.Жалолова, общего среднего образования М.Куронов, О.Мусурмонова, У.Махаммов, Д.У.Жуманазарова, А.Ю.Тешабоев, среднего специального, профессионального образования Ш.С.Шарипов, Г.Ибрагимов, С.С.Булатов, Ф.Э.Ахмедов, Ж.Душамов, высшего образования Д.И.Рузиева, Н.Эгамбердиева, М.Махмудова, Б.С.Сайфуллаев, С.Н.Йулдошева, У.Г.Тошматов, Н.Ж.Исакулова, послевузовского образования Г.И.Мухаммедов, Х.А.Туракулов, Б.Ю.Ходиев, повышения квалификации и переподготовки кадров Ш.К.Марданов, К.З.Зарипов, Ш.Саидкулов, внешнеольного образования К.К.Куронбоев, Ш.Мустафаев.

